

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ПОРТРЕТЛАРИГА ЧИЗГИЛАР

Иқболжон Илҳомов

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети
“Саноат дизайн” кафедраси доценти

Аннотация: Мазкур мақола Ўрта аср Шарқ миниатюра санъатининг шу кунгача афсонага айланиб кетган буюк мусаввир Камолiddин Беҳзод (1455-1536) ижоди ҳақида ёзилган. Тарихдан маълумки, Беҳзод асарларининг таъсири Ўрта Осиё халқлари, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари, Озарбайжон, Эрон, Ҳинд халқларидаги миниатюра чизувчи рассомларни ҳам илҳомлантирди. Беҳзод портрет жанрининг бошловчиси ва моҳир устаси бўлган. Беҳзод Абдурахмон Жомий, Абдуллоҳ Хотифий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон каби тарихий шахсларнинг портретларини чизган. Жумладан, у Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Хисрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун»(1492), Фаридиддин Атторнинг «Мантукут тайр» (1494) ва Мир Алишер Навоий асарларига гўзал миниатюралар ишлаган. Мақола мусаввир Камолiddин Беҳзод ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ёзилган маълумотларга эга.

Калит сўзлар: Камолiddин Беҳзод, хаттот, мусаввир, миниатюра, наққош, портрет, рассом, наққош, хунарманд.

Аннотация: В данной статье описано творчество Камолiddина Беҳзода (1455-1536), великого художника миниатюры Востока средних веков ближневосточной, ставшего легендой по сей день. В истории известно влияние произведений Беҳзода, вдохновлявшие художников-миниатюристов стран Средней Азии, Ближнего Востока, Азербайджана, Ирана, народов Индии. Беҳзод является основоположником портретного жанра и искусным мастером. Беҳзод писал портреты таких исторических деятелей, как Абдурахман Джамии, Абдулла Хатифи, Султан Хусейн Бойкара, Шайбанихан. В частности, им написаны «Хамса» Низами Гянджеви, «Лейли ва Меджнун» Амира Хисрава Деҳлеви (1492 г.), «Мантукут Тайр» Фаридиддина Аттара (1494 г.). Мир Алишер создал прекрасные миниатюры для произведений Навои. Статья содержит письменные сведения о жизни и творчестве художника Камолiddина Беҳзода.

Ключевые слова: Камолiddин Беҳзод, каллиграф, художник, миниатюра, резьба, портрет, живописец, роспись, ремесло.

Annotation: *This article is written about the creativity of Kamoliddin Behzod (1455-1536), a great painter of Middle Eastern miniature art, who has become a legend to this day. It is known from history that the influence of Behzod's works inspired the miniature painters of Central Asian countries, Middle Eastern countries, Azerbaijan, Iran, and Indian nations. Behzod was the founder of the portrait genre and a skilled master. Behzod painted portraits of such historical figures such as Abdurahman Jami, Abdullah Hatifi, Sultan Husayn Boykara, Shaibani Khan. In particular, he painted pictures "Khamisa" by Nizami Ganjavi, "Layli wa Majnun" by Amir Khisrav Dehlavi (1492), "Mantiqut Tayr" by Farididdin Attar (1494). and Mir Alisher created beautiful miniatures for Navoiyi's works. The article contains written information about the life and creative activity of artist Kamoliddin Behzod.*

Keywords: *Kamoliddin Behzod, calligrapher, artist, miniature, carving, portrait, painter, painting, craft.*

Мустақил Ўзбекистонимизда учинчи Ренессанс пойдевори курилмоқдаки, унда адабиёт, санъатнинг барча жабҳаларида ўзгаришлар ва кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунгача юртимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз Абдулхолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғилоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Шарофиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломаларимнинг илмий – маънавий меросини ўрганиш ҳар вақтдагидек долзарблик касб этиб келмоқда. Маълумки, IX- XIX асарларда Ўрта Осиё халқлари, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари, Озарбайжон, Эрон халқлари билан буюк ипак йўли орқали алоқада бўлиб келганлар. Ўша даврларда Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда маданият ниҳоятда ривожланган бўлиб, бу шаҳарлар тараққиёт марказлари бўлиб хизмат қилганлиги барчамизга маълум. Шарқ миниатюра мактаби бир-бирини такрорламаслиги билан ажралиб туради. Яратилган тарихий миниатюра асарларида халқнинг барча маданий бойликлари ўзининг ифодасини топиши билан бирга, унинг урф-одатларини катта маҳорат билан яратилганлигига амин бўласиз. Ўрта аср Шарқ миниатюра санъатининг буюк мусаввири Камолиддин Бехзод (1455-1536) ўзининг миллий услубдаги асарлари билан Шарқ миниатюра санъатига асос солиши билан ўз даврида Мовароуннаҳрнинг буюк вазири Алишер Навоийнинг қўл остида бир-бирдан гўзал, такрорланмас асарлар яратиб Темурийлар даври миниатюра санъатига ўзининг улкан ҳиссасини қўшганлиги билан муҳим ўрин эгаллайди. У Ҳиротда туғилган ва машаққатли ижод йўлини босиб ўтиб, 81 йил умр кўрди. Афсуски у ёшлигида ота-онасидан жуда эрта етим қолган. Уни таниқли Ҳирот хаттоти

ва рассоми Мирак Наққош Хуросоний ўз тарбиясига олган. Шунингдек, Камолиддин Бехзод ёшлигида машҳур санъаткор Султон Али Машҳадий билан жуда яқин муносабатда бўлгани тарихдан маълумдир. Юқорида айтганимиздек, ёш Камолиддин Бехзод ижодининг ривожланишида Алишер Навоийнинг роли катта бўлди. Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъаткорлари Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур каби хаттот ва мусаввирлар бир-бирлари билан доимий мулоқотда бўлган. Камолиддин Бехзод асарларида маълум бир воқеа орқали инсонлар оламидаги маданият ва маънавият тилсимларидаги бир-бирига бўлган ҳурмат ғояларини илгари суради. У яратган асарларида маълум қонун-қоидаларга таянганлиги, инсонлар ҳаракатининг чизилиши мусаввирдан ниҳоятда юксак маҳоратни, кенг дунё қарашни, юрак ҳислари пишиб



етилганлигидан сўнггина қоғозга туширилганлигини кўрамиз. Камолиддин Бехзод ўз қаҳрамонларининг руҳий ҳолатдаги қиёфаларини тасвирлашда ошиқ-маъшуқлар, базму-жамшиддаги меҳмондорчиликлар, улардаги ҳис-ҳаяжон, жангчилар, туякашлар ҳаракатлардаги имо-ишораларни тўлиқлигича очиб беришга ҳаракат қилган. Албатта бу кўринишлар ҳам Камолиддин Бехзод асарларида ўз аксини топганлигини кўрамиз. Аввало унинг чизган портрет асарларига разм солиб, сизлар билан фикрлашмоқчиман. XV асрда ўртасида Ҳиротда портрет жанрининг турли хил

кўринишлари шаклланди: бир кишилик ёки гуруҳли қилиб чизиш ва портретни манзара билан боғлаб ишлаш. Камолиддин Бехзод чизган расмларда бошқа мусаввир каби одамларнинг ҳаракатлари, қушларнинг учиб кетаётганлиги, жанг вақтлари, боғда, овда, донишмандларнинг суҳбат жараёнлари тасвирланганлигини кўрамиз. Бехзод портрет жанрининг бошловчиси ва моҳир устаси бўлган. Абдурахмон Жомий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Султон Хусайн Бойқаро, Шайбонийхон каби тарихий шахсларнинг портретлари Бехзод мўйқалами туфайлигина бизгача етиб келган. Мусаввир Бехзод портрет жанрини такомиллаштирди ва ривожлантирди. Ўз даврида одамларнинг расмини чизиш чекланишига қарамай, ўз замондошларининг турли хил кўринишларда портретларини чизиб қолдирганлигини кўришимиз мумкин. Камолиддин Бехзод Ҳирот ва Табризда яшаб, фалак гардишининг ёрқин


кунлари-ю, азоб-уқубатларини ўз кўзи билан кўриб мушоҳада қилди, ички кечинма ва кайфиятини ўз ижодида зўр маҳорат билан тасвирлади. Камолиддин Бехзод саксон йиллик узоқ ва мазмундор ҳаёти давомида Султон Ҳусайн Мирзо (1469 -1505), Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510), Шоҳ Исмоил Сафавий (1501- 1524), Шоҳ Таҳмосиб Сафавий (1524-1576)лар ҳукмронлик қилган тўрт салтанатни кўрди. 1507-1510 йилларда Бехзод Ҳиротни эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлган. Темурийларнинг юксак маданиятига ҳурмат ва эътибор билан қараган Шайбонийхон, Камолиддин Бехзод санъати олдида лол қолиб, унинг ижодий ишларига деярли тўсқинлик қилмаган, аксинча, мумкин қадар унга шароит яратиб берган. Улардан бири Муҳаммад Шайбонийхон портретидир. (Ҳирот. 1507й.) Портретга қараб кўз ўнгингизда Шайбонийхон образи гавдаланади. Уни оёқларини йиғиштириб чордона куриб ўтиришлари, икки кўлини виқор ва ишонч билан оёғи устига қўйиб ўтирганлиги, бошидаги оқ салласини ўзига шундай ярашиб турганлигини кўрамиз. Хоннинг мовий рангдаги устки кийими ва орқа фондаги яшил деворни мусаввир томонидан моҳирона ишланган, у ўтирган гилам қизил ранг билан бўялган. Бу портрет Шайбонийхоннинг жангу-жадалли йўл босганлигини эслатиб ўтаётгандай туюлади. Шайбонийхон портретининг умумий композиция ечимида, орқадаги қора ёстиқ портрет композициясини яхлит кўринишга олиб келмоқда. Агар Камолиддин Бехзод шу орқадаги қора ёстиқни тасвирламаганда, портрет композицияси тўлиқ ечилмай қолган бўлар эди. Шайбонийхон атрофидаги мавжуд буюмлар, хон портретидаги образларни мукаммаллаштиришга хизмат қиладиган элементлар ҳисобланади. Орқа фонда араб алифбосидаги сўзларни тўғри композиция жойлаштирилганлигидан унинг хаттотлик санъатидан ҳам катта билим маҳоратга эга эканлигини кўрамиз. Асарда хон ўйчан ҳолатда бир нуқтага тикилиб ўтирганлиги тасвирланган. Унинг бу қарашларида ўзига ишонч ва мағрурлик, донолик қудрати жўш ураётганлигини кўрамиз. Суратдаги Шайбонийхон юзига қарасангиз, бир ўйланмасдан қўйилган қўнғир рангга кўзингиз тушади. Ўзбекистон халқ ёзувчи Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романидаги воқеага мурожат қиладиган бўлсак, ундаги жигар ранг Шайбонийхон томонидан бўялган бўлиб, мусаввирнинг чизган расмини ўзи билгандай тўғрилашга ҳаракат қилганлигини кўрамиз. Портрет санъати тарихдан энг мураккаб жанр ҳисобланади. Дунё бўйича кўплаб рассомлар ўз маҳоратларини синаб, шу мураккаб жанрда ижод қилишган ва уни юксак санъат даражасига етказганликларини кўрамиз. Камолиддин Бехзод расмлари реализмга яқинлиги билан бизни қалбимиздан жой олган. Агар мусаввир ўз вақтида Шайбонийхон портретини чизмаганда биз бу хон ҳақида тасаввурга эга бўлмасдик. Ўша даврдаги уст-кийим ва бошқа

буюмларни кўз олдимизга келтира олмас эдик. Шайбонийхон портрети ниҳоят даражада юксак маҳорат билан ишланган бўлиб, ҳозирги кунгача ўз кадр-кимматини йўқотмаганлигини кўраемиз. 1510 йил Марв ёнидаги Тоҳиробод деган жойдаги шиддатли жангда Муҳаммад Шайбонийхон ҳалок бўлади, унинг қўшини тор-мор этилади ва Ҳирот шоҳ Исмоил Сафавийлар қарамоғига ўтади. Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йил Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни, ҳунармандларни ўзи билан бирга Табризга олиб кетади. Камолиддин Бехзод санъатини юксак қадрлаган Исмоил Сафавий наққошга ижод қилиш учун Табризда барча шароитларни яратиб беради. Маълумки, Табризга Бехзод бир гуруҳ истеъдодли шогирдлари билан келган бўлиб, улар ҳам Табризда Бехзоднинг раҳнамолигида ўзларининг ижодий ишларини давом эттиради. 1522 йил эса махсус фармон билан Бехзодни ўз кутубхонасидаги котиб, наққош, музаҳҳиб ва бошқаларга раҳбар этиб тайинлайди. Ҳиротдагидек бу ерда ҳам Бехзод ўз атрофига истеъдодли рассом, наққош ва бошқа ҳунармандларни тўплади, уларга қунт билан раҳнамолик қилиб, ўзининг сеҳрли санъатининг сир-асрорларини ўргата бошлади. Табризда Султон Муҳаммад, Мир Мансур Мусаввир, Мир Саид Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялади. Бизгача Ҳусайн Бойқаронинг Бехзод қаламига мансуб иккита тасвири сақланиб қолган. Камолиддин Бехзоднинг Султон Ҳусайн Мирзо портрети ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ асардир. Камолиддин Бехзод «Султон Ҳусайн Мирзо саройида зиёфат» деган миниатюраси иккинчи тасвир билан мазмун жиҳатидан биринчисига ўхшаб кетадики, унда ҳам Султон Ҳусайн Мирзо ҳузуридаги зиёфатлардан бири тасвирланганлигини кўраемиз.



Заҳриддин Муҳаммад Бобур Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги давридаги олим, санъаткорларга тариф бериб шундай дейди. “Машҳур мусаввирлар қаторига Бехзод муносибдир. У бадиий маҳоратнинг нозик жиҳатларини эгаллаган, лекин соқолсиз юзларни ёмон тасвирлайди. Соқолли кишиларнинг чеҳраларини жуда маромига етказди” (“Бобурнома”, 47-бет.) Камолиддин Бехзод томонидан чизилган Ҳусайн Мирзо портретига (Ҳирот, VI аср бошлари) эътиборимизни қаратайлик. Бу портрет натурага яқинлиги билан кадрлидир. Портрет нозик чизгилар билан чизилган бўлиб Ҳусайн Мирзони очик юзли сиймоси билан тасвирланган, орқа фони эса оч

яшил ранглар билан бўялганлигини кўрамиз. Камолиддин Бехзод уни ўнг кўлини ўнг оёғи устига қўйиб, чап кўлини кўтарган ҳолатда олдидаги номаълум инсон билан суҳбат қураётгандай тасвирланган. Суратдаги ранглар, чизгилар ўта нозик дид билан тасвирлаганлигини кўрамиз. Портрет фонидаги нақшинкор ёзувлар ҳам гўзал қилиб жойлаштирилган. Хусайн Мирзо эғнидаги либосининг зардорлиги, кўркамлиги мусаввир томонидан рангларга бой бўлмасида, композицион ечими ниҳоятда чиройли топилган. Тарихда ҳаммамизга маълумки, мусаввир Камолиддин Бехзод асарларининг таъсири бутун Ўрта Осиё халқлари, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари, Озарбайжон, Эрон, Ҳинд халқларидаги миниатюра чизувчи рассомларни ҳам илҳомлантирди. Темурийлар даврида Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларида маданият ва миниатюра санъати жуда ривожланган бўлиб, бу шаҳарлар тараққиёт марказлари бўлиб хизмат қилган. Қадимда илму-маърифат юксак кадрият сифатида кадрланиши билан бирга, миниатюра безаклари билан китоб муқовалари ва саҳифалари мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда безатилганлигини кўрамиз. Султон Хусайн фармони билан Бехзод 1487 йил салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланган. Кутубхонадаги лаввоҳ, жадвалкаш ва наққошлар бевосита Бехзод раҳбарлигида ишлаганлар. Жумладан, у Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Хисрав Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун»(1492), Фаридиддин Атторнинг «Мантукут тайр» (1494) асарларига ғоятда гўзал миниатюралар ишлади. Масалан, Низомийнинг «Хамса»сига чизилган «Лайли ва Мажнун мактабда» номли сурат ўзининг ҳар жиҳатдан мукамаллиги билан томошабинда катта таассурот қолдиради. Тўрт томони нақшинкор бинолар, гулзорлар, серҳосил мевали боғдаги ўқув хонада бир гуруҳ болалар дарс ўқимоқда, яна бошқа бир тўдаси эса болаларга хос шўхлик билан ўйнашмоқда, баъзилари либосларини киймоқда. Аммо Лайли билан Мажнун маҳзун, чор атрофдаги воқеага бепарво, аллақандай хаёлот оламига ғарқ, бир-бирларини зимдан кузатиш билан овора. Юқорида айтганимиздек, мусаввир ўз ҳиссиётларини қоғозга муҳрлаб ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни тасвирга туширишга ҳаракат қилган. Камолиддин Бехзод буюк тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига, шоир Саъдийнинг



«Бўстон», «Гулистон», шоир Абдулло Ҳотифийнинг «Темурнома» каби асарларини нафис, гўзал ва бетакрор миниатюра асарлари билан беади. Кексайиб, оғир ҳасталаниб қолган Бехзод 1537 йилда Ҳиротда оламдан ўтади. Ўтган асрнинг ўрталари Ўзбекистонда Шарқ миниатюра санъатига қизиқиш санъатшуносликда ортиб борди ва Камолиддин Бехзод ижоди ҳақида кўплаб мақола, очерк, ҳикоялар ёзилди. Профессор Ҳамид Сулаймоннинг маънавий бойликларимизни ва Бехзод ишлаган нодир миниатюра асарларни хориж давлатларидаги машҳур музейлардан қидириб топиб, Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейидаги кўرғазмалар фондларини бойитишга катта ҳисса



қўшгани таҳсинга сазовордир. Умуман олганда Ўзбекистон тасвирий санъат ва шарқ миниатюра санъатининг етук олимаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Г.А.Пугаченкованинг ўзбек санъатига қўшган ҳиссаси, илмий тадқиқот ишлари, мақолалари, халқимизнинг маданиятини дунёга кўрсатишда катта аҳамият касб этишини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шарқ миниатюрасига XX асарнинг иккинчи ярми (аниқроқ қилиб айтсак 1970-1980 йиллар) Ўзбекистонда лакли миниатюра

ривожланиб қадимги ҳолатини тиклай бошлади. 1990 йилларга келиб қоғоздан, чарм, матоларга катта ҳажмда ишлана бошланиши билан миниатюра асарлари ҳоҳ катта ва кичик ҳажмда бўлишига қарамай, ундаги қонун қоидалар бузилмаган ҳолатда яратилмоқда. XV аср миниатюра санъатининг олтин даври ҳисобланади. Бехзод Ҳирот нафис тасвирий санъат мактабида энг улкан устоз мусаввир эдиким, унинг шогирдлари гўзал миниатюрасозлик санъатини бутун жаҳон бўйлаб тарқатдилар. Ўтмиш аждодларимизни санъатига содиқ қолган ҳолда замонавий асарлари билан Ўзбекистон тасвирий санъатига ғоятда катта ҳисса қўшганлардан бири Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров Камолиддин Бехзод ижоди ҳақида ўлмас асарлар яратди. Устоз ўзининг ижодида миллийликни сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатларда маҳобатли расмлар яратганлигини эслаб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бехзод номини абадийлаштириб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Фармони (1997 йил 23 январь)га биноан Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди. Тошкентдаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига Камолиддин Бехзод номи берилди. Хориждан Бехзоднинг Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Амир Ҳисрав Дехлавий,

Фаририддин Аттор асарларига ишланган бир қанча миниатюра расмлар нусхалари олиб келиниб халқимизга кўрсатилди. Уларнинг асл нусхасига яқин нусхалари яратилиб, ҳозирги кунларда музей залларини бойитиб турибди. Ўзбекистон rassomлари кўرғазмалар залининг ён биқинида Шарқнинг буюк мусаввири номини олган Камолиддин Беҳзод номидаги миниатюрачиларнинг кўрғазмалар зали очилди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, миниатюра санъатига эътибор, сезиларли даражада ўзгарди. Камолиддин Беҳзод нафақат Шарқ халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирган, балки жаҳон тамаддуни хазинасини ўзининг ажойиб қимматбаҳо дурдоналари билан бойитган, бутун дунё цивилизацияси тарихида салмоқли ўрин олган буюк ва забардаст мусаввирдир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Шарқ миниатюра санъатининг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод асарлари бутун дунё мусаввирларнинг илҳомчисидир. Буюк мусаввир асарларини ўрганиш ва асраш орқали келгуси ёш авлодга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Расмлар:

1. Шайбонийхон портрети. 1507.
2. Султон Ҳусайн Мирзо 1490.
3. Лайли ва Мажнун» 1492.
4. Камолиддин Беҳзод ҳайкали. Ўзбекистон rassomлар кўрғазма боғи.

Адабиётлар:

1. Сулаймонова Ф. Миниатюра Востока. Наше наследие. Москва -1991. 32-стр.
2. Исмоилова Э. Беҳзод ижодининг услуби. “San’at” журнали. Ўзбекистон бадиий академияси журнали. 2-сон. Тошкент- 2000. 5-бет.
3. Бобур. Бобурнома. 47-бет. Тошкент. 1982.
4. Пугаченкова Г. Беҳзод ва Ўрта Шарқ миниатюрасида портрет жанри. “San’at” журнали. Ўзбекистон бадиий академияси журнали. Тошкент-2000. 12-бет.
5. Зоҳидов П. Рангтасвирда беназир. “San’at” журнали. 2000. 16-17-бетлар.
6. Ўз. МЭ. Камолиддин Беҳзод. 2 том. 2001, 9-11 бетлар.
7. Усмонов О. Мадраҳимов А. Камолиддин Беҳзод. Тошкент- 2000.
8. Kamaliddin Behzod master of Persian painting. London - New York. 1996.
9. Абдухолиқов Ф., Ртвеладзе Э., Мелвилл Ф., Сайсон Л. Ўзбекистон маданий мероси. Марказий Осиё меросига Кембриж университети тўпламларида. Китоб – альбом. Тошкент. 2020.
10. М.М. Ҳайруллаев. Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент-1999.228-бет.
11. Мадраимов А., Норматов Н. Шарқ миниатюра мактаблари. Мақолалар тўплами. 33-34 бетлар.